

МУСТАҚИЛЛИК - ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
йигирма тўрт йиллиги муносабати билан**

**Тоҳир ҚУРБОНОВ,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент**

Олимларнинг таъкидлашларича, дунёда 4 мингдан зиёд этнос истиқомат қилар экан. Бироқ жаҳон сиёсий харитасига назар соладиган бўлсак, 200 дан сал зиёд мамлакатларга кўзимиз тушади, холос. Бинобарин, ўзининг мустақил мамлакатига эга бўлиш — ҳамма халқларга ҳам насиб қилавермайдиган неъматдир. Бугун ҳам курраи заминимизда асрлар мобайнида мустақиллик учун қон кечган, лекин кўплаб омиллар таъсири ўлароқ ундан бебаҳра қолган миллатлар бисёр. Ҳанузга қадар ўз манфаатларига монанд тараққиёт йўлини танлаш, турмушини ўзи истаган тарзда ташкил қилиш, қолаверса миллий тилида чоп этилган китоб ва газеталарни ўқиш, болаларига миллий эртаклар айтиб бериш орзусида юрган халқлар кўплаб топилади.

Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, ўзбек халқи Аллоҳ ярлақанган миллатлар сарасига киради. Чунки унга узоқ давом этган мустамлакачилик давридан сўнг мустақил бўлиш бахти насиб этди. Балки асрлар мобайнида кўрган укубатлари учун халққа мукофот тарзида берилган неъматдир бу. Балки Жалолиддин Мангубердиннинг матонати учун берилган неъматдир бу. Балки Буюк Темурни тарбиялаган заминга эҳтиром тарзида берилган неъматдир бу. Балки бутун умри давомида маърифат тарқатиб келган Берунийлар, Навоийлар, Улуғбекларга ютуқ сифатида тақдим этилган неъматдир бу. Балки қамоқхоналарда ҳақсиз қурбон бўлган Усмон Носирлар, Қодирийлар, Чўлпонларнинг қони ва жони эвазига берилган неъматдир бу. Балки...

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, **Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир, Мустақиллик — эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг**

бош омилидир, Мустақиллик – озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз кадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун буюк имконият, Мустақиллик – биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёшлар қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати, демакдир.

Мустақиллик – бу, фалсафий тил билан айтганда, катта имкониятдир. Бизга маълумки, ҳар қандай имконият ҳам воқеликка айланавермайди. Мустақиллик деб аталмиш буюк имкониятдан қай даражада фойдаланиш халқнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Халқлар борки, тарихнинг мазкур имкониятидан аъло даражада фойдалана билганлар ва инсоният цивилизациясининг олдинги ўринларидан жой олишга муваффақ бўлганлар. Осиё ва Жанубий Америкадаги қатор мамлакатлар эндиликда мустамлакачилик тизгинидан халос бўлибгина қолмай, янги дунё қоидаларини яратишда фаол иштирок қилмоқдалар.

Бироқ халқлар борки, берилган тухфанинг қадрини кўкларга кўтара олмай, қоқоқлик ва камбағаллик ботқоғига ботганлар. Жумладан, Осиё, Лотин Америкаси ва Африкадаги ўтган асрнинг иккинчи ярмида мустақилликка эришган ўнлаб мамлакатларда техник-иқтисодий резервларнинг етишмаслиги, энергия манбаларининг камлиги ёки нооқилона жойлаштирилганлиги, маданий кўникмаларнинг пастлиги сақланиб қолмоқда. Натижада, 1970 йилда бу мамлакатларда 460 миллион киши очликда умр кечирган бўлса, 1990 йилга келиб бундай кишилар сони 550 миллион кишига етди. Бугунги кунда очликда умр ўтказаётган кишилар сони янада ортди: ҳозир Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ҳар куни 1200 киши очлик азобида ҳаётдан кўз юммоқда.

Хўш, ўтган 24 йил мобайнида ўзбек халқи мустақиллик яратган имкониятлардан қай даражада фойдаланди?

Мустақиллик йилларидаги энг катта муваффақиятимиз Ўзбекистонни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқадиган, чуқур ўйланган стратегия ишлаб чиқилгани ва амалга оширилгани билан боғлиқ. “Ижтимоий тараққиётнинг ўзбек модели” номини олган бу стратегия мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлай олди. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8 фоиздан кам бўлмаган даражада ўсиб бораётгани ҳам ана шу ўзбек моделининг натижасидир. Шу боисдан бўлса керак, мазкур моделга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ортиб бораётир. Интернет сайтларида ижтимоий тараққиётнинг ўзбек моделига бағишланган 1 миллиондан ортиқ материал борлиги ҳам шундан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда жамиятни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, иқтисодий соҳада бозор муносабатлари жорий қилинди, кўп укладли иқтисодиёт асослари шакллантирилди. Сиёсий соҳада ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил қадамлар қўйилди, кўшпартиявийликка асосланган сиёсий тизим фаолият кўрсата бошлади. Ижтимоий соҳада илк бора инсон эҳтиёжлари ва манфаатларининг устуворлиги тан олинди, барча фуқаролар ишончли ижтимоий кафолатлар билан таъминланди. Маънавиятда миллий қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумлар, маросимларнинг тикланиши учун замин яратилди, мил-лий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлик механизмини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Шуларнинг ўзиёқ ўзбек халқи 24 йиллик қисқа муддат мобайнида мустақиллик инъом этган имкониятлардан анча салмоқли фойдаланганидан далолат беради.

Мустақилликнинг энг буюк тухфаларидан бири мамлакатда тинчликнинг таъминланиши билан боғлиқ. Умримиз давомида бирор бора ўқ овозини эшитмаганимиз боис (Яратганга беадад шукурлар бўлсин) бунинг хусусида камроқ ўйлашга одатланганмиз. Тўғри, икки гапнинг бирида «ишқилиб, тинчлик-хотиржамлик бўлсин»,- деб қўйишимиз бор. Бироқ мураккаблашиб кетган бугунги даврда тинчликни таъминлаш нақадар қийин масала эканлиги

хусусида кўп ҳам бош қотирмаймиз. Ваҳоланки, жаҳонда содир бўлаётган жараёнлар, ҳозирги замон цивилизациясининг тенденциялари нуқтаи назаридан фикрлаганда, тинчликнинг таъминланиши энг бебаҳо неъмат, мамлакат Президенти ва ҳукумати олиб борган сиёсатнинг шаксиз муваффақияти эканлигини англаб етамиз.

Одам боласи яралибдики, курраи заминимизнинг у ёки бу нуқтасида муттасил урушлар содир бўлиб турган.

Шу боисдан кўпгина Ғарб мутафаккирлари урушни «олий инсон борлигининг абадий шакли» сифатида талқин этадилар (Масалан: Шпенглер О. Пруссачество и социализм.- Петроград, 1922.- С.46). Буюк файласуф Освальд Шпенглер бу хусусда шундай деб ёзади: «Тинчлик – истакдир, уруш эса факт; инсоният тарихи ҳали ҳеч қачон инсоний истак ва идеаллар учун қайғурмаган... Инсоният бор экан, урушлар ҳам бўлиши аниқ» (Shpengler O. Rede und Rufsätze.- Munchen, 1951.- С.339-340).

Бироқ урушни инсон борлиғи билан боғлиқ зарурият деб қараганда ҳам ижтимоий тараққиёт давомида унинг қиёфаси ўзгара боришини инобатга олишимиз керак. Уруш – конкрет-тарихий реалликдир. Бошқача айтадиган бўлсак, замонлар ўтиши билан урушнинг шакли ва кўлами давр манфаатла-рига монанд равишда ўзгара борди.

Бизнинг давримизга келиб, уруш мутлақо даҳшатли қиёфа касб этди. Бу даҳшатли қиёфада эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларида кейинги ўн йил мобайнида урушлар оқибатида **2 миллиондан** ортиқ бола ҳалол бўлгани, **6 миллиони** эса майиб-мажруҳга айлангани таъкидланаяпти. Таҳлилчилар иккинчи жаҳон уруши якунлаганидан бери то шу кунгача **150** дан ортиқ маҳаллий ва этник низолар, кенг миқёсда тўқнашувлар юз берганини таъкидлашаяпти. Қуrolли можроларга **8-9** ёшли болаларнинг ҳам жалб этилиши жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Ер юзида сайёрамизни бир неча бор яксон қилишга етадиган қуrol-яроғ тўпланганига қарамасдан, ҳарбий заводлар ўз фаолиятини зинҳор сусайтиргани йўқ. Ҳозирги замондаги биргина тактик ядро қуrolининг

қудрати иккинчи жаҳон уруши давомида қўлланилган барча қурол-яроғларнинг қудратидан 30 марта ошиқ (Disarmament or Distruction? Armaments and Disarmament.//Stokholm International Peace Research Institute,1975.- P.5).

Стратегик аҳамиятга эга бўлган ядро қуролларининг қудрати янада дахшатлироқ. XX асрнинг етмишинчи йилларидаёқ, мислсиз энергия харажати талаб этадиган “Минитмен” ва “Титан II” уч мегатоннали ракеталар яратилди. Бундай заряднинг портлатилиши Хиросимага ташланган бомба вайрон этган майдондан 30 баробар кўпроқ худудни ер билан яксон қилади (Сахаров А.Д. Размышления о прогрессе, мирном сосуществовании и интел-лектуальной свободе.// Вопросы философии.- 1990.- №2.- С.5).

Шунингдек, ҳар 250 тоннаси 5 мегатоннали термоядро бомбасига тенг бўлган VX заҳарловчи гази, оғирлиги 95 тонна бўлган 10 ядро головки MX баллистик ракетасининг яратилиши ҳам замонавий уруш қиёфасини ўзгартирди. Хиросимага ташланган атом бомбасининг энергияси 20 килотоннага тенг бўлган бўлса, ҳозирги замон ядро арсеналлари ундан миллион марта ошиқроқ. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида қуролланиш пойгасининг авж оли-ши, айниқса унинг мафкуравий характер касб этиши аср сўнггига келиб шундоқ ҳам ёрқинроқ намоён бўла бошлаган тинчликни сақлаш муаммосини янада чигаллаштириб юборди. XX аср 90-йилларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар масаланинг моҳиятини ўзгартиргани йўқ. Фикримизнинг исботи сифатида Америка Қўшма Штатларида янгидан барпо этила бошланган ракета ҳужумига қарши мудофаа системасини келтиришимиз мумкин.

Термоядро қуролига эътиборнинг кучайишини унинг уч техник аспекти билан боғлашимиз мумкин. Биринчидан, ушбу қуролларнинг вайронкорлик қудрати ниҳоятда беқиёски, бугунги кунда ўз қуролли кучларини замонавийлаштиришга интилган ҳар бир мамлакат ишончли восита сифатида унга мурожаат этаверади. Иккинчидан, ушбу типдаги қуроллар нисбатан арзон ҳисобланади. Табиийки, бунда уларни тайёрлашга кетган маблағ билан шу қурол-яроғларнинг реал қудрати ўртасидаги мутаносиблик назарда тутилмоқда.

Учинчидан, ушбу куруллар ёрдамида амалга оширилган ҳарбий таҳдид ёки ҳужумдан ҳимояланишнинг қарийб иложи йўқ. Шу сабабдан ҳам катта энергия сарфланишига қарамасдан, узоқ йиллар давомида янги ва янги давлатлар ушбу воситаларга қайта-қайта мурожаат этиб келмоқдалар.

Бу фактларни келтиришдан мақсад XXI аср бошларига келиб тинчликни сақлаш муаммоси бағоят мушкул масалага айланганини таъкидлашдан иборат. Мамлакатларнинг ҳарбий қудрати ошиб бораётган, курул-яроғ омборхоналари зудлик билан тўлиб бораётган, табиий бойликлар ва энергия манбалари учун кураш кучаяётган бир шароитда миллатнинг тинч-осуда ҳаётини сақлаш учун йил сайин кўпроқ саъй-ҳаракат, маблағ тақазо этилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатлар ўз диёрларида тинчликни таъминлашга катта куч сарф қиладилар. Масалан, АҚШда фақатгина мамлакат тинчлигига таҳдид солувчи маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан 30 мингдан ортиқ мутахассис шуғулланади (Priest D., Arkin W.M. The secrets next door// Washington post.- 7/21/2010).

Бизнинг мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида юрт тинчлигини таъминлашга қодир Курулли кучлар шакллантирилди, миллат хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар ва воситаларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга лаёқатли Миллий хавфсизлик хизмати вужудга келди. Энг эътиборлиси, ҳукумат сиёсати замонлар ўтиши билан урушнинг шакллари ҳам ўзгаришини назарда тутган ҳолда олиб борилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда мафкуравий уруш, информацион уруш ва шу кабиларнинг моҳиятини, ижтимоий оқибатларини илғаб олишга ҳам интилинмоқда. Мустақиллик йилларида «Огоҳликка даъват», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби шиорлар остида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар миллатнинг ҳушёрлигини янада оширди. Шаҳарларимизда қад кўтарган «Мотамсаро она» ҳайкали ҳам уруш даҳшати ва тинчлик қадрини кишиларга муттасил эслатиб турибди...

Миллатимизнинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларини шарҳлашни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ гап фақат ютуқларни констатация қилишда эмас. Гап ана шу муваффақиятларнинг қадр-қимматини

билишда, улардан руҳланиб, Ватан равнақиға ҳисса қўшишда, фарзандларимизга ушбу зафарларнинг туб моҳияти ва сабабларини талқин қилиб беришдадир. Келгусидаги улкан ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлардан таркиб топади.

Донишмандлардан энг олий неъмат нима, деб сўрашганда, у тинчлик дея жавоб берган экан. Чиндан ҳам тинч-тотувликнинг қадри ҳар сонияда билинади. Хотиржамлик қалбда яшаш ва яратиш иштиёқини беради. Атрофдаги гўзалликларни ҳис этиш ёки ота-онамизнинг меғрибончилигию, фарзандларимизнинг эмин-эркин, ҳеч кимдан кам бўлмай улғаяётганини кўриб, қалбдан севиниш-нақадар бахт! Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, “Халқимизнинг энг катта бойлиги - бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур”